

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари  
(2015 йил 14 сентябрь-19 сентябрь )**

**№3**

**Тошкент – 2015**

## **ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ**

**15 сентябрь** куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Депутатлар мамлакатимиз Конституциясида Қонунчилик палатасига берилган ваколатларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини батафсил кўриб чиқдилар. Тақдим этилган ҳисобот Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталарида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, соҳа экспертлари, ОАВ ходимлари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Сиёсий партиялар фракцияларида кенг таҳлилий ишлар ўтказилиб, бу депутатларга электорат манфаатлари ва дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжати ижросининг боришига нисбатан ўзларининг қатъий нуқтаи назарларини ишлаб чиқиш имконини берди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз Ҳукуматининг жорий йил 16 январидида бўлиб ўтган мажлисида белгиланган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларининг амалга оширилиши, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини амалга оширишни давом эттириш биринчи ярим йилликда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ижобий динамикаси сақлаб қолинишини ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам асос яратилишини таъминлаганлиги таъкидланди. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 8,1 фоиз ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Бунда макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси кузатилди. Чуқур ўйланган, пухта пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилганлиги Давлат бюджети даромад қисмининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан ижросини 100,3 фоизга таъминлаб, бу ЯИМга нисбатан 23,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетининг харажатлари ЯИМга нисбатан 23,4 фоизни ташкил этиб, бу Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажариш имконини берди. Бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб турибди: харажатлар қисмининг 59,2 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари

бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари томонидан эшитилган ҳисобот юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси**дан сўзга чиққан депутатлар мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини қайд этиб, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши суръатларини таъминлашда, бинобарин — давлат ғазнасини ҳам кўпайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тобора ошиб бораётганлигини таъкидладилар. Солиқ юки анча камайиб бораётганлиги шароитида кичик корхоналар ва микрофирмалардан ягона солиқ тўлови тушумлари ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 22,8 фоиз ошди. Бу татбиқ этилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар самарадорлигидан далолат беради. Шу билан бирга, давлат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этишлари устидан назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бу, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги Фармони асосида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан долзарб аҳамият касб этади. Ушбу Қонун қоидаларини тушунтириш ишларини амалга ошириш, тадбиркорларни солиқ солиш тартиби ва солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни либераллаштиришдаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш зарур.

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси** фракцияси аъзолари ўз сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспортни диверсификациялаш, мамлакатимизда маҳсулотни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларнинг юқори натижаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Жаҳон бозорларида сақланиб турган беқарорлик шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва номенклатурасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чоралар товар ва хизматлар экспорти ошишига хизмат қилганлиги таъкидланди. Корхоналар рақобатбардошлигини ошириш, ташқи бозорларда харидоргир бўлган маҳсулот чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилишини рағбатлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида йил бошидан бери экспорт фаолиятига яна 493 та корхона жалб этилди. Янги 168 турдаги товарларнинг экспорти йўлга қўйилди. 255 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти экспорт қилинди, экспорт ҳажми 7,4 фоиз ошди. Фракция вакиллари жойларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини ва берилган имтиёз ҳамда преференциялардан самарали фойдаланишни, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми мустаҳкамланишини, шунингдек, тегишли ҳудудларнинг молиявий имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, янги ташқи бозорларни

ўзлаштириш, минтақаларнинг захира салоҳиятидан ҳамда ички имкониятларидан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланди. **Ўзбекистон Халқ демократик партияси** фракциясидан сўзга чиққанлар мажлис иштирокчиларининг диққатини 2015 йил биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети маблағларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилганлигига қаратдилар. Бунда ЎзХДП аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш тарафдори эканлиги таъкидланди. Иқтисодиётдаги ижобий таркибий ва сифатли ўзгаришлар ҳамда тенденциялар, мутаносиб ривожланиш аҳоли бандлигининг ўсишига имкон берди. Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тизимли амалга ошириш натижасида 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 441,8 мингта янги иш ўрни яратилди, шундан 274,9 мингта иш ўрни ёки 62,2 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилди. ЎзХДП фракцияси аъзолари бундан буён ҳам касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ушбу жараён устидан назоратни кучайтириш масаласи долзарб эканлигини таъкидладилар. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг самарадорлигини ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш муҳимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Депутатлар марказда ва жойларда давлат бошқаруви органларининг, бюджет ташкилотларининг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, молиявий интизомга риоя қилиш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидалари ижро этилиши устидан назоратни янада кучайтириш бўйича масъулиятини оширишга доир бир қатор таклифлар билдирдилар. **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси** фракцияси аъзоларининг фикрича, ҳисобот даврида таълим ва соғлиқни сақлаш борасидаги харажатлар ижтимоий соҳа харажатлари таркибида ҳамон кўпроқ қисмини ташкил этмоқда. Бунда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаровонлигини оширишга Давлат бюджетидан 1049,8 миллиард сўм ажратилди. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш, айниқса, кексаларнинг, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш имконини берди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат дастурини амалга оширишга 1,5 триллион сўм, шунингдек, 37 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилди. Фракция аъзолари Дастур ижроси устидан, хусусан, унинг амалга оширилиши учун Давлат бюджетидан йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий парламент назорати йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга, фракция аъзолари давлат илмий-техника дастурларининг устувор йўналишларини, тармоқлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, инновацион ишланмалар дастурларини молиялаштиришнинг мақбуллаштирилишига доир таклифлар билдирдилар. **Ўзбекистон экологик ҳаракати** депутатлар гуруҳи аъзолари таъкидладиларки, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киради. Бу атмосфера ҳавосини, сув ва ер ресурсларини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Тозалаш иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ва аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга

оширилмоқда. Йилнинг ўтган даврида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 48,6 миллион АҚШ доллари ва Давлат бюджетидан 191,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

---

## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ — МУҲОКАМАДА

---

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан парламент назоратини амалга оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.** Унда куйи палата депутатлари, Сенат аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), тегишли вазирлик ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олий таълим муассасалари профессорлари, шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар қатнашди. Президентимизнинг парламент палаталарининг шу йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида конституциявий ислохотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозимлиги таъкидланган эди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилгани парламент фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қоида асосида кўрилаяётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари самарадорлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, жойларда юзага келаяётган долзарб масалаларни адолатли ҳал этишга қўмаклашмоқда. Семинарда таъкидланганидек, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашида парламент муҳим роль ўйнайди. Бунда эса парламентнинг нафақат қонун ижодкорлиги фаолияти, балки назорат функциясини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Бинобарин, экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб бўлиб, кенг муҳокама қилинмоқда. Тадбирда иштирокчилар ушбу қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Муҳокамалар чоғида мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида, энг аввало, миллий тажриба, яъни ҳозирги вақтда мавжуд миллий қонунчилигимизда парламент назорати билан боғлиқ нормалар ўрганилгани, бу масалада олим ва мутахассисларнинг назарий



хамда амалий қарашлари эътиборга олингани қайд этилди. Шу билан бирга, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда 20 дан ортиқ хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича таҳлил этилганига эътибор қаратилди. Депутатларнинг фикрича, парламент назоратининг бир қатор шакллари мавжуд бўлиб, улар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Олий Мажлис палаталари томонидан назорат вазифасини амалга оширишнинг ана шу шакллари ва усулларини ушбу ҳуқуқий ҳужжатда тизимли хамда аниқ мустаҳкамлаб қўйиш ҳаётий заруратдир. Семинарда соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилди.

---

## ТАЛАБАЛАР УЧУН ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

---

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан талабаларга таълим кредити ажратиш ва ундан фойдаланиш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.** Тадбирда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш мақсадида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, республикамиз тижорат банклари талабалар учун имтиёзли таълим кредитлари ажратиш келмоқда. Ўтган тўрт ярим йил мобайнида молия муассасалари томонидан 72 мингдан зиёд талабаларга жами 225 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда таълим кредитлари берилгани бунинг амалий ифодасидир. Биргина жорий йилнинг олти ойида эса республикамиз миқёсида 35,7 млрд. сўм ҳажмида таълим кредитлари ажратилган. Маълумки, бундай турдаги кредитлар олий ўқув юртларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалаврларга 10 йилгача, магистрларга 5 йилгача муддатга берилади. Яъни у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкасида ажратилади. Шунингдек, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ёки болалиқдан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ёшлар фоизсиз таълим кредитидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган талабалар учун таълим кредити бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади. Имтиёзли таълим кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган оилалар кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш, беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади. Анжуман якунида эътироф этилганидек, таълим кредитларининг ажратилиши мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, энг муҳими, ёшларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишида муҳим ўрин тутмоқда.

## ЎЗБЕК КУРАШИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА КИРИТИЛДИ

“Мен ишонаман: дунёга машхур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг сеvimли машғулотига айланади”. Президентимизнинг 1999 йил 1 май куни пойтахтимизда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида айтган бу сўзлари миллий спортимиз — курашнинг 2018 йили Жакарта (Индонезия) шаҳрида ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритилгани мисолида ана шу эзгу истакнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди. Ушбу хушхабар Осиё олимпия кенгашининг Ашхобод шаҳрида ўтказилган навбатдаги Бош ассамблеясида эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, уч минг йиллик анъаналарга эга курашнинг халқаро миқёсда кенг оммалашаётгани замирида, аввало, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ётган бўлса, бунинг яна бир муҳим жиҳати, ўзбек кураши барча спорт турларидаги энг инсонпарвар қоидаларни ўзида мужассам этгани билан боғлиқдир. Миллий спорт туримизни ривожлантиришда давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги “Халқаро “Кураш” Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерацияси фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларга 120 дан ортиқ давлат аъзо. Мазкур спорт тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этиб келинаёпти. Жаҳон ареналарида “ҳалол”, “чала”, “ёнбош”, “ғирром”, “дакки” каби соф ўзбекча сўзлар жаранглаётгани биз учун чинакам фахрдир. Осиё олимпия кенгаши томонидан ҳар тўрт йилда ташкил этиладиган ёзги Осиё ўйинлари спортчилар учун нуфузи жиҳатидан Олимпиада ўйинларидан кейинги муҳим мусобақа саналади. Шу маънода, Осиё олимпия кенгашининг ушбу қарори миллий спорт туримизни жаҳонда янада кенг оммалаштириш ҳамда унинг Олимпиада ўйинлари дастурига киритилиши йўлидаги яна бир дадил қадам бўлди. Индонезияда ўтказиладиган қитъа ўйинларида кураш бўйича эркаклар етти, хотин-қизлар саккиз вазн тоифасида ғолиблик учун баҳслашади. Унгача эса 2016 йили Вьетнамда ўтадиган Осиё соҳил ўйинлари, 2017 йили Туркманистонда бўладиган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича Осиё ўйинларида мазкур спорт тури бўйича беллашувлар ташкил этилади.

**Ахборот соати раҳбари**